

НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Қариялар, нуроний отахон ва онахонлар, кўпни кўрган боболару бутун умрини фарзанд парвариши ва меҳнат қилишга бағишилган момоларимиз борки, ҳаёт гўзал. Зотан, бу улуғ инсонлар ҳаётимизнинг гултожи, умримиз мазмуни саналади. Бундай инсонларга эътибор, меҳрмуҳаббат кўрсатиш, уларнинг дуоларини олиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Туманимизнинг Зангат маҳалласида жойлашган “Нисо” дам олиш масканида ташкил этилган тадбирга 50 нафар меҳнат фахриялари, нуроний отахон ва онахонлар, фронторти хизматчилар таклиф этилиб уларга хурмат-эҳтиром кўрсатилди. Тадбидирда туман ҳокими Сайдибаҳром Сайдмусаев иштирок этди.

Туман ҳокими тадбир иштирокчиларига ўз миннатдорчилигини билдириб, бугунги фаровон ҳаёт ва тинч-осойишта замонда яшаш баҳти барчамизга айни шу инсонларнинг сай-ҳаракати, кўрсатган фидоийликлари ва сидқидилдан қилган меҳнатлари или бардавом эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, Конституция кунига бағишилаб бир гуруҳ меҳнат фахрийлари, фронт ортида ҳалол меҳнат қилган нуронийларга вилоят ҳокимининг эсдалик совғалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди. Янгиариқ маҳалласида яшовчи нуроний отахон, юз билан юзлашган Қорижон Завҳаровга туман “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳисобидан байрам совғалари қаторида эшитиш мосламаси ҳам тақдим этилди. Самимий миннатдорлик ва шукроналик или нуроний отахон ва онахонлар совғаларни қабул қилиб олишди.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-12-09 16:45:55